

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАНИЯЗОВ ХАМИД УТКИРОВИЧ

**ПИРИДО[2,3-d]ПИРИМИДИН-4-ОНЛАР СИНТЕЗИ
ВА КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф. _____ **Х.Т. Шарипов**

Илмий кенгаш котиби, к.ф.д. _____ **Д.А. Гафурова**

Илмий маслаҳатчи, т.ф.д., проф. _____ **Ш.Ш. Сагдуллаев**

Диссертант _____ **Х.У. Ходжаниязов**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the dissertation of doctor of science (DSc)

Ходжаниязов Хамид Уткирович

Пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези
ва кимёвий ўзгаришлари..... 3

Ходжаниязов Хамид Уткирович

Синтез и химические превращения
пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онов..... 29

Khodjaniyazov Khamid Utkirovich

Synthesis and chemical transformation of
pyrido[2,3-d]pyrimidin-4-ones..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАНИЯЗОВ ХАМИД УТКИРОВИЧ

**ПИРИДО[2,3-d]ПИРИМИДИН-4-ОНЛАР СИНТЕЗИ
ВА КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc./K30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.puu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдушукуров Анвар Кабирович
кимё фанлари доктори, профессор

Азизов Умархон Мухтарович
кимё фанлари доктори, профессор

Матчанов Алимжон Давлатбоевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел:(99871)227-12-24, факс(99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел:(99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@puu.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби к.ф.д.

И.А. Абдугафуров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари к.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда саноатнинг жадал ривожланиши учун назарий билимларни амалиётга кенгроқ тадбиқ этиш, юқори технологияларни қўллаш тобора долзарб масалага айланмоқда. Нефт-газ маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика соҳаларида ишлатилаётган кимёвий маҳсулотларни тайёрлашда органик синтез катта аҳамиятга эга. Азотли гетероциклик бирикма ҳисобланган пиримидинлар табиий бирикмаларга тузилиш жиҳатидан ўхшаш бўлиб, биологик фаолликларининг юқорилиги, қўлланиш соҳаларининг кенглиги сабабли синтетик органик кимёда ушбу йўналишдаги тадқиқотларни мақсади ривожлантиришни тақозо этади.

Жаҳонда пиридо[2,3-d]пиримидиннинг юқори физиологик фаол янги ҳосилаларини синтез қилиш ва улар асосида замонавий дори воситалари яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Маълумки, бугунги кунда ишлатилаётган саратонга қарши воситалар зарарли ўсмаларни йўқотиш баробарида соғлом ҳужайраларни ҳам зарарлантиради. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан пиридо[2,3-d]пиримидинлар вакили бўлган юқори танлаб таъсир этувчи саратонга қарши палбоциклиб препарати, антибактериал таъсирга эга пипемид ва пиромид кислоталари ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда дори воситаларини яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва миллий фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада жумладан, янги дори воситаларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқиш, уларнинг тузилишини аниқлаш, улар асосида янги биологик фаол моддаларни яратиш ва улардан фойдаланишда сезиларли натижаларга эришилди. **Шу билан бирга маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи дори воситаларининг бирламчи маҳсулотларини олиш ва улар асосида фармацевтика саноати учун янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.** Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, пиридо[2,3-d]-пиримидинларнинг таркибида турли функционал гуруҳлар ва асимметрик марказ сақлаган янги ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг тузилишидаги ўзига хосликларни аниқлашда соҳанинг дунё миқёсидаги тадқиқотлар билан рақобатлаша оладиган юқори технологияли ускуналарини қўллашга қаратилган илмий-тадқиқотлар

¹ Ўзбекистон Респудликаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

асосида янги биологик фаол моддаларни яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-416-сон «Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги, 2016 йил 31 октябрда қабул қилинган ПҚ-2647-сон «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Пиридо[2,3-d]пиримидинлар синтези, кимёвий ўзгаришлари ва уларнинг ишлатилишига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Graduate School of Science, Tokyo university (Япония), Graduate School of Pharmaceutical Sciences, The University of Tokushima (Япония), Faculty of Pharmaceutical Sciences, Hokkaido University (Япония), Institut de Chimie Organique et Analytique, Universite d'Orleans (Франция), The Scripps Research Institute-Florida campus, Iowa State university (АҚШ), Institute of Pharmaceutical Sciences, Panjab University (Ҳиндистон), Medicinal Chemistry Department, Faculty of Pharmacy, Assiut University (Миср), Department of Chemistry and Key Laboratory of Biotechnology for Medicinal Plants, Xuzhou Normal University (Хитой), Н.Д. Зелинский номи Органик кимё институти (Россия), Нозик органик кимё институти (Арманистон), Ўсимлик моддалари кимёси (Ўзбекистон) институтида олиб борилмоқда.

Пиридо[2,3-d]пиримидинларнинг турли функционал гуруҳлар сақлаган янги ҳосилалари синтезига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: молекула таркибига морфолин фрагменти киритилиб саратонга қарши фаоллик намоён қилувчи бирикмалар олинган (Université d'Orléans, Франция); гепатит С вируси репликациясини ингибирловчи пиридо[2,3-d]пиримидин ҳосилаларини нуклеофил алмашилиш ва конденсация реакциялари натижасида синтез қилинган (Gilead Sciences, АҚШ); тиббиёт учун муҳим бўлган 4-аминопиридо[2,3-d]пиримидинларни Pd-катализаторлигида борадиган замонавий кросс-бирикиш реакцияларида **олинган** (VU University Amsterdam, Нидерландия, University of Antwerp, Бельгия); **2-алмашинган-**

5,7-диметилдигидропиридо[2,3-d]пиримидин-4(1H)-онларнинг юқори антибактериал фаоллиги аниқланган (Institute of Pharmaceutical Sciences, Panjab University, Ҳиндистон).

Дунёда пиридо[2,3-d]пиримидинларнинг саратонга қарши, ВИЧ ва бошқа вирусли касалликларда самарали дори воситаларининг таъсир этувчи моддалари бўлган вакиллари синтез қилиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: пиридо[2,3-d]пиримидинларнинг янги вакиллари синтез қилишнинг янги экологик тоза усуллари ишлаб чиқиш; биологик фаол моддаларни ажратиш ва тозалаш; таркибида хирал марказ сақлаган гетероциклик бирикмалар олиш; янги потенциал табиий биологик фаол бирикмаларни аниқлаш учун тузилиш-фаоллик орасидаги боғлиқликни аниқлаш; дори воситаларининг таъсир механизмларини аниқлаш ва исботлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда пиридо[2,3-d]-пиримидинлар кимёси соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари жадал суратларда ривожланиб бормоқда. Vinayak Gupta (АҚШ) пиридо[2,3-d]-пиримидинларнинг рақ хужайраларини ингибирловчи, М.С. Мохамед, С.М. Авад (Миср) антимиқроб ва шамоллашга қарши фаол вакиллари мақсадли синтез қилиш бўйича изланишлар олиб борган.

МДХ давлатларида, жумладан, Россия ва Арманистон олимлари томонидан пиридо[2,3-d]пиримидинларнинг биологик фаол янги ҳосилалари тузилиши ҳамда биологик фаоллигини ўрганиш ишлари О. А. Бузова, Н. М. Смирнова, А. Ш. Оганисян, А. С. Норавянлар томонидан амалга оширилмоқда.

Республикамизда пиридо[2,3-d]пиримидинларнинг кимёси соҳасидаги изланишлар Ўсимлик моддалари кимёси институтида проф. Ҳ. М. Шоҳидоятов раҳбарлигида бошланган. Унинг раҳбарлигида турли гетероциклик табиатли ҳалқалар билан конденсирланган пиримидинлар синтези, ушбу бирикмаларни бромлаш, нитролаш, алкиллаш, ациллаш реакциялари амалга оширилган. Натижада тиено[2,3-d]пиримидинлар қаторида *инсо*-алмашилиш, 1,2,4-тио(селено)мочевиналарнинг оксидланиш билан борадиган ҳалқаланиш реакциялари кашф этилган. Бугунги кунда унинг шогирдлари тиено[2,3-d]пиримидин таркибидаги метил гуруҳини карбоксилгача оксидлашни амалга ошириб, реакция йўналишига таъсир этувчи омилларни аниқладилар. Мазкур йўналиш ҳозирда жадал суратларда давом эттирилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А9-Т-200 «Диазоллар ва диазинлар қаторидаги янги бирикмаларнинг мақсадли синтези ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш учун биологик синовдан ўтказиш. «Бионсульфон» фунгициди, ўсимликлар ўсишини бошқарувчи ва бактерицид «Реткил», «Термитоцидепин» инсектицидларини яратиш» (2012-2014 йй.); ФА-Ф7-Т207 «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар

молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» (2012-2016 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези ва электрофил реагентлар билан реакцияларидаги реакцион қобилиятини қиёслашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

конденсирланган би- ва трициклик [2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези қонуниятларини ва реакция маҳсулотлари унумига *орто*-аминокарбон кислота табиатининг таъсирини аниқлаш;

2,3-полиметиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг ароматик альдегидлар билан конденсациясини тадқиқ этиш;

2,3-полиметиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларни Вильсмейер-Хаак реагенти билан формиллаш реакцияси кетма-кетлигини аниқлаш, формил ҳосилалар ва оралиқ бирикмаларни синтез қилиш;

пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг электрофил реагентлар билан ўзаро таъсирини тадқиқ этиш, пербромид, гидробромид ва бромли комплекслар синтези;

пиримидин ҳалқасидаги N1=C2 қўш боғни қайтариш натижасида таркибида асимметрик углерод атоми сақлаган бирикмалар олиш;

синтез қилинган бирикмалар тузилишини спектрал усуллар, ҳамда рентген тузилиш таҳлили ёрдамида исботлаш;

синтез қилинган бирикмалар орасидан биологик фаол моддаларни излашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар ва 2,3-полиметиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар, α -арилиден-2,3-полиметиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар, (E)-9-(N,N-диметиламинометилен)-8,9-дигидропиридо[2,3-d]пирроло[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он, (E)-11-аминометиленден-10,11-дигидропиридо[2,3-d]азепано[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он, 2,3-триметилен-1,2,3,4-тетрагидропиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар, 2,3-три-(тетра-, -пента)метиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг пербромид, гидробромид ва бромли комплексларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети 2,3-три(тетра, пента)метиленпиридо[2,3-d]-пиримидин-4-онларнинг ароматик альдегидлар, Вильсмейера-Хаак реагенти, қайтарувчи агент ва бром билан реакциялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида органик кимёнинг тажрибавий усуллари, УБ-, ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР- спектроскопия, суюқлик хроматографияси/масс-спектрометрияси (LC/MS), юпқа қатлам хроматографияси, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), рентген тузилиш таҳлили (РТТ), квант-кимёвий ва биологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор таркибида пиримидин ҳалқаси билан конденсирланган уч, тўрт ва бешта метилен занжири сақлаган 2,3-полиметиленипиридо[2,3-d]-пиримидин-4-онлар синтез қилинган;

илк бор 2,3-полиметиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг ароматик альдегидлар билан конденсациялари ҳамда электрофил реагентлар, Вильсмейер-Хаак реагенти билан реакциялари, шунингдек, натрий боргидриди ишлатилган ҳолда қайтарилиш реакцияларининг бориши исботланган;

тадқиқотлар натижасида 48 та пиридо[2,3-d]пиримидин-4-он вакили синтез қилиниб, 30 та янги бирикманинг тузилиши аниқланган;

илк бора пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлардаги қўш боғга боғланган диметиламино-гуруҳнинг амина-гуруҳда нуклеофил алмашиниш реакциялари содир бўлиши исботланган;

2,3-триметиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-ондаги $N1=C2$ қўш боғини селектив қайтариш натижасида оптик изомерлар ҳосил бўлиши исботланган;

2,3-триметиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-оннинг α -C даги водород атомларининг кучли ишқорий ва кислотали муҳитда дейтерийга алмашиниши аниқланган;

2,3-полиметиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар, уларнинг кимёвий ўзгариш маҳсулотлари тузилиши спектрал усулларда ва рентген тузилиш таҳлили усулида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2,3-три(тетра, пента)метиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларни синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган, уларнинг спектрал характеристикалари аниқланган;

(*E*)-9-(4-нитробензилиден)-8,9-дигидропиридо[2,3-d]пирроло[1,2-a]-пиримидин-5(7H)-он), (*E*)-9-(N,N-диметиламинометириди)-8,9-дигидропиридо[2,3-d]пирроло[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он ва (*E*)-11-аминометириди-10,11-дигидропиридо[2,3-d]азепано[1,2-a]пиримидин-5(7H)-онлар тузилиши-нинг ишончлилиги рентген тузилиш таҳлили ёрдамида тасдиқланган, мазкур тузилиш маълумотлари Кембриж базасига киритилган;

диссертант томонидан ҳаммуаллифликда олий ўқув юртлари учун «Органик кимё» дарслиги чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтези амалга оширилган пиридо[2,3-d]пиримидин қаторидаги бирикмаларнинг тузилиши УБ-, ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрал усуллари, суюқлик хроматография/масс-спектрометрия (LC/MS), рентген тузилиш таҳлили, ҳамда юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) ёрдамида исботланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти углерод-углерод қўш боғига боғланган амина-гуруҳ сакловчи бирикма - (*E*)-11-аминометириди-10,11-дигидропиридо[2,3-d]азепано[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он барқарор кристаллар шаклида ажратиб олинганлиги ва назарий органик кимёни бойитганлиги; тиено-, бенз- ва пиридопиримидинлар қаторида α -углероддаги

водородларнинг фаоллиги ортиши гетероҳалқа табиатига боғлиқ қонуният сифатида кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган 3та янги ҳосила тузилишининг ҳалқаро Кембриж маълумотлар базасига киритилганлиги; 2та бирикманинг цитокинин типдаги таъсир механизмига эга ўсимликлар ўсишини стимулловчи фаоллик намоён қилиши улар асосида истиқболли қишлоқ хўжалиги препаратларини яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пиридо[2,3-d]-пиримидин-4-онларнинг кимёвий ўзгаришларини тадқиқ этиб, янги бирикмалар синтез қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

(*E*)-9-(4-нитробензилиден)-8,9-дигидропиридо[2,3-d]пирроло[1,2-a]-пиримидин-5(7H)-он, (*E*)-9-(N,N-диметиламинометилен)-8,9-дигидропиридо[2,3-d]пирроло[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он ва (*E*)-11-аминометилен-10,11-дигидропиридо[2,3-d]азепано[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он бирикмаларининг рентген тузилиш таҳлили натижалари Кембриж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam>, CCDC, 1456732, 1476418, 1530092). Натижада базага киритилган янги моддалар ўхшаш моддаларни синтез қилишда фойдаланиш имконини берган;

пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези ва кимёвий ўзгаришлари соҳасида олинган маълумотлардан хориждаги 3та импакт-фактори юқори илмий журналларда бирикмаларнинг физик-кимёвий ва спектрал таҳлили учун фойдаланилган (Journal of Basic and Applied Research, 2016, V. 2. №4. - P. 464-469, Scientific Journal Impact Factor, IF 3.458; Journal of Basic and Applied Research, 2016, V. 2. №4. -P. 476-479, Scientific Journal Impact Factor, IF 3.458; American Chemical Science Journal, 2015, V. 6. (02.00.00; № 2). Натижада пиримидин ҳосилалари ва уларнинг аналоглари қаторида бирикмаларни синтез қилишга ва янги биологик фаолликларнинг аниқланишига хизмат қилган;

янги моддаларнинг олиниш усуллари ва кимёвий хоссалари олий таълим муассасаларининг кимё таълим йўналиши бўйича «Органик кимё» номли дарслигида ўз ифодасини топган (79-005-сон гувоҳнома). Натижада таълим жараёнида машғулотлар мазмунини такомиллаштиришга, ўқув дастурларини тайёрлаш ҳамда фанни ўқитишда таълим самарадорлигини оширишга эришилган;

пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези ва кимёвий ўзгаришлари бўйича олинган натижалардан ФА-Ф7-Т207 рақамли «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» мавзусидаги лойиҳада конденсирланган [2,3-d]пиримидин-4-онларнинг пиримидин ҳалқасидаги N1=C2 қўш боғни қайтариб, таркибида асимметрик углерод атоми сақлаган бирикмалар синтез қилишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 августдаги ФТА-02-11/513-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган усул оптик фаол бирикмаларни ЮССХ усулида хирал

адсорбентли колонка ёрдамида индивидуал моддаларга ажратиш учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 3 та мақола республика ва 7 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Пиридо[2,3-d]пиримидинлар синтези, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаоллиги**» деб номланган биринчи бобида пиридо[2,3-d]пиримидинларни синтез қилиш усуллари, пиридо[2,3-d]-пиримидинлар қаторида ва ўхшаш системалардаги нуклеофил ва электрофил алмашилиш, шунингдек, бошқа реакциялар ва пиридо[2,3-d]пиримидин-ларнинг биологик фаоллигига оид адабиёт маълумотлари батафсил ёритилган, улар умумлаштирилиб илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг «**Пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези ва кимёвий ўзгаришлари**» деб номланган иккинчи бобида пиридо[2,3-d]-пиримидин-4-онларнинг синтези ва кимёвий ўзгаришлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг органик синтез бўлимида охириги 35-40 йил мобайнида бензол ва тиофен ҳалқалари билан конденсирланган пиримидинлар синтези ва кимёвий ўзгаришлари бўйича тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2000 йилларнинг бошида бу бирикмаларнинг уч ҳалқали вакиллари, яъни 2,3-полиметиленхиназолон ва 2,3-полиметилентиено[2,3-d]пиримидинларга алоҳида эътибор қаратилди.


Мазкур ишда пиридо[2,3-d]пиримидинларнинг би- ва трициклик ҳосилалари синтези амалга оширилди. Жумладан, 2-оксо-, -тиоксо-, -амино-5,7-диметилпиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар (**4-6**) циансирка кислотаси

этил эфирининг мос равишда мочевина, тиомочевин ва гуанидин карбонат билан конденсациялари натижасида синтез қилинди. Пиримидин ҳосилалари сифатида 2-оксо-, -тиоксо-6-аминопиримидин-4-онлар (**1**, **2**) ва 2,6-диамино-пиримидин-4-он (**3**) олинди. Сўнгра уларнинг ацетилацетон билан трифторсирка кислотаси муҳитидаги конденсацияси мақсад қилинган бициклик маҳсулотларга олиб келди.



2-оксо-, -тиоксо-, -амино-5,7-диметил-пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар


Шу билан бирга, 2-аминоникотин кислотанинг формамид билан фосфор оксихлориди (POCl_3) иштирокидаги конденсациясидан бициклик маҳсулотлар вакили - пиридо[2,3-d]пиримидин-4(3H)-он синтез қилинди.




Пиридо[2,3-d]пиримидин-4(3H)-он (**7**) синтези миқдорий унумда адабиётдаги усулни қисман ўзгартирган ҳолда амалга оширилди. Адабиётда **7** нинг спектр маълумотлари келтирилмаганлиги сабабли, улар ўрганилди. Унинг ИҚ-спектрида амид карбонил гуруҳи 1691 см^{-1} ($\text{C}=\text{O}$), $\text{N1}=\text{C2}$ қўш боғи 1611 см^{-1} соҳаларда кузатилди; ^1H ЯМР спектри дейтерийли хлороформ (CDCl_3) ва метанол (CD_3OD) эритувчилари аралашмасида: 7.45 м.у. (1H, дд, $J=4.6, 7.9$, H-6), 8.19 (1H, с, $\text{C}_2\text{-H}$), 8.58 (1H, дд, $J=2.0, 7.9$, H-5), 8.91 (1H, дд, $J=2.0, 4.6$, H-7) олинди. ^{13}C ЯМР спектри (CD_3COOD): 119.01 (C-10), 124.51 (C-6), 138.64 (C-5), 150.54 (C-7), 156.69 (C-2), 158.01 (C-4), 178.10 (C-9).

Шундай қилиб, **7** бирикмасини 2-аминоникотин кислотанинг формамид билан POCl_3 иштирокидаги конденсациясидан олиш мумкинлиги кўрсатиб берилди, бу усул кейинчалик пиридо[2,3-d]пиримидинларнинг трициклик вакиллари синтез қилишда қўлланилди.


Трициклик пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар синтези. Трициклик 2,3-три(тетра, пента)метиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар (**8-10**) 2-аминоникотин кислотанинг мос равишда γ -бутиролактама, δ -валеролактама ва ε -капролактама билан POCl_3 иштирокидаги конденсацияси натижасида синтез қилинди.



Реакциялар учун қуйидаги механизм таклиф этилди: дастлабки босқичда POCl₃ карбонил гуруҳга ҳужум қилади ва карбокатион ҳосил бўлади:



Сўнгра бу карбокатион (электрофил) аминоникотин кислотанинг аминогуруҳига ҳужум қилади, бир вақтнинг ўзида карбоксил гуруҳнинг углерод атомига лактамнинг азот атоми (нуклеофил) ҳужум қилади. Натижада қуйидаги оралик маҳсулот ҳосил бўлади, ундан икки молекула сув ва POCl₃ (уларнинг реакция маҳсулотлари) ажралиши мақсад қилинган трициклик пиридо[2,3-d]-пиримидин-4-онларга олиб келади:



Лактамлар билан конденсация унумлари 2-аминотиофен-3-карбон, 2-аминобензой ва 2-аминопиридин-3-карбон кислоталари каторида камайиб боради. Агар 2,3-полиметилентиено[2,3-d]пиримидин-4-онлар 81-92% унумларда, 2,3-полиметиленхиназolonлар 56-70% унумлар билан олинган бўлса, 2,3-полиметиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар (**8-10**) 30-45% унумда олинади. Бу натижалар π-электронларга бой тиофен ҳалқасининг конденсацияни осонлаштириши, π-дефицит пиридин ҳалқасининг эса қийинлаштириши билан тушунтирилди.

1-жадвал

8-10 бирикмаларининг физик-кимёвий характеристикалари

№	Брутто формуласи	Унум, %	R _f (CHCl ₃ :CH ₃ OH, 11:1)	Суюқ.Т., °C	LC-MS (+ESI): [M+H] ⁺
8	C ₁₀ H ₉ N ₃ O	38	0.52	139-140	188
9	C ₁₁ H ₁₁ N ₃ O	45	0.55	161-162	202.2
10	C ₁₂ H ₁₃ N ₃ O	30	0.58	119-120	216.2

8-10 Бирикмаларнинг ИҚ-спектрларида амид карбонил гуруҳига (N-C=O) мос ютилиш чизиқлари 1722-1683 см⁻¹ соҳада, C2=N1 қўш боғининг ютилиш чизиқлари эса 1625-1594 см⁻¹ соҳада кузатилади.

8-10 Бирикмаларнинг ¹H ЯМР (CDCl₃) спектрларида ароматик протонлар кучсиз майдонда 7.31-7.34 м.у. соҳада дублетлар дублети (1H, дд, J= 4.6, 7.9, Н-6), 8.48-8.53 (1H, дд, J=2.0, 7.9, Н-5) ва 8.86-8.89 (1H, дд, J=2.0, 4.6, Н-7) шаклида кузатилиб, пиридин ҳалқаси протонларини характерлайди. Полиметилен занжирида С атомлари сони ортиб бориганда молекуланинг пиридин қисми протонларининг сигналлари ¹H ЯМР спектрининг кучли майдони томон силжиши кузатилади (2-жадвал).

8 Бирикма β-CH₂ гуруҳи протонлари 2.26 м.у. соҳасида квинтет шаклида кузатилади, аини шундай протонлар **9** бирикмасида 1.92 м.у.

соҳада, **10** протонлари эса γ -CH₂ гуруҳи протонлари билан устма-уст тушиб, 1.81-1.82 м.у. соҳада кузатилади. Шунга ўхшаш, α -CH₂ гуруҳи протонларининг кимёвий силжиш қийматлари мос равишда 3.2 (**8**), 3.03 (**9**) ва 3.102 м.у. (**10**) соҳаларида кузатилади. Барча ҳолатларда пиримидин ҳалқасидаги N3 атомига қўшни C протонлари нисбатан кучсиз майдонда, яъни 4.16 м.у. (**8**, γ -CH₂), 4.00 (**9**, δ -CH₂) ва 4.32 (**10**, ϵ -CH₂) соҳаларда кузатилади.

¹³C ЯМР спектрлари кучли майдондаги сигналлар молекулаларнинг полиметилен қисмга хос бўлишини кўрсатади. ¹³C ЯМР спектрда α -CH₂ гуруҳи углеродлари мос равишда 32.96 м.у. (**8**), 32.29 (**9**) ва 37.93 (**10**) соҳаларда кузатилади. ¹³C ЯМР спектрда β -CH₂ гуруҳи углеродлари мос равишда 19.48 (**8**), 19.23 (**9**) ва 25.13 м.у. (**10**) соҳаларида кузатилади. Охирги ҳолатларда петаметилен ҳосиланинг спектрида сезиларли фарқлар кўзга ташланади. Чунки, α -C сигналлари **8** ва **9** бирикмаларида яқин қийматларга эга бўлгани ҳолда, **10** бирикманинг сигнали кескин фарқ қилади. Бу ҳодисани **10** таркибидаги азепан ҳалқаси углеродларининг умумий ҳолда молекула текислигидан четланиши билан тушунтириш мумкин. γ -C ларнинг табиати ҳар хил бўлиб, сигналлари (46.88, 22.00 ва 27.95) кескин фарқланади.


2-жадвал

8-10 спектрал характеристикалари

№	УБ	ИК (КВг, ν , см ⁻¹):	¹ H ЯМР (400МГц, CDCl ₃ , δ , м.у., J/Гц)	¹³ C ЯМР (100МГц, CDCl ₃ , δ , м.у.)
8	нейтрал муҳит: 210.43, 268.93 (C=N), 301.93; кислотали муҳит: 269.36, 302.68, 316.01; ишқорий муҳит: 267.61, 301.58.	3409 (кучсиз), 3221, 2921, 2862, 1718 (N-C=O), 1625 (C=N), 1491, 1457, 1400, 1307, 1257, 1203, 1095, 1046, 947, 849, 702, 644, 567, 441.	2.26 (2H, кв, β -CH ₂), 3.2 (2H, т, J=7.9, α -CH ₂), 4.16 (2H, т, J=7.3, γ -CH ₂), 7.34 (1H, дд, J= 4.6, 7.9, H-6), 8.53 (1H, дд, J=2.0, 7.9, H-5), 8.89 (1H, дд, J=2.0, 4.6, H-7).	19.48 (β -C), 32.96 (α -C), 46.88 (γ -C), 115.71 (C-10), 121.85 (C-6), 136.14 (C-5), 155.99 (C-7), 159.43 (C-2), 161.23 (C-4), 163.35(C-9).
9	нейтрал муҳит: 275.13, 306.01; кислотали муҳит: 271.35, 284.72, 294.10, 305.99; ишқорий муҳит: 272.81, 305.87.	2948, 2875, 1683 (N-C=O), 1594, 1579, 1567, 1463, 1436, 1397, 1347, 1293, 1243, 1215, 1169, 1095, 992, 910, 795, 729, 703, 678, 634, 570, 433	1.92 (2H, кв, β -CH ₂), 1.97 (2H, кв, γ -CH ₂), 3.03 (2H, т, J=6.7, α -CH ₂), 4.00 (2H, т, J=6.2, δ -CH ₂), 7.31 (1H, дд, J= 4.6, 7.9, H-6), 8.49 (1H, дд, J=2.0, 7.9, H-5), 8.87 (1H, дд, J=2.0, 4.6, H-7).	19.23 (β -C), 22.00 (γ -C), 32.29 (α -C), 42.81 (δ -C), 115.35 (C-10), 121.70 (C-6), 136.22 (C-5), 156.19 (C-7), 157.43 (C-2), 158.75 (C-4), 162.62 (C-9).
10	нейтрал муҳит (этанол): 274.13, 303.89; кислотали муҳит: 284.91, 304.23, 327.06; ишқорий муҳит: 274.11, 303.91.	3442, 2934, 2859, 1722 (N-C=O), 1681, 1596, 1586, 1568, 1438, 1395, 1350, 1332, 1314, 1282, 1258, 1223, 1196, 1147, 1090, 1052, 978, 962, 926, 908, 890, 862, 848, 800, 733, 713, 688, 622, 566, 544, 490, 466, 434, 405.	1.81-1.82 (6H, м, β , γ , δ -CH ₂), 3.10 (2H, т, α -CH ₂), 4.32 (2H, т, J= 5.1, ϵ -CH ₂), 7.31 (1H, дд, J= 4.6, 7.9, H-6), 8.48 (1H, дд, J=2.0, 7.9, H-5), 8.86 (1H, дд, J=2.0, 4.6, H-7).	25.13, 27.95, 29.56 (β -C, γ -C, δ -C), 37.93 (α -C), 43.24 (ϵ -C), 121.98 (C-6), 136.58 (C-5), 156.06 (C-7), 115.23 (C-10), 157.45 (C-2), 162.29 (C-4), 163.48 (C-9).

Бу углерод **8** таркибида N3 атомига қўшни, **9** да эса у одатдаги тўйинган углерод ҳисобланади ва деярли молекула текислигида жойлашади, бу билан **10** даги тегишли C дан фарқланади. Бу ҳолда, N3 атомига қўшни углеродларнинг кимёвий силжиш қийматларини солиштириш мақсадга мувофиқ бўлади: 46.88 (γ -C, **8**) 42.81 (δ -C, **9**) ва 43.235 (ϵ -C, **10**).


8-10 Бирикмаларнинг C=O гуруҳи углероди ва C-9 сигналлари ^{13}C ЯМР спектрнинг энг кучсиз майдонида, мос равишда 161.23, 158.75 ва 162.29 (C-4); 163.35, 162.62 ва 163.48 (C-9) соҳаларда кузатилади.



8 ^{13}C ЯМР спектридаги кимёвий силжиш қийматларининг тегишлилиги


Шундай қилиб, трициклик пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларни 2-аминоникотин кислотанинг лактамлар билан POCl_3 муҳитидаги конденсациядан синтез қилишнинг янги усули ишлаб чиқилди. Капролактама билан реакциялар энг қийин ва кам унумларда борди. 2-Аминотиофен-3-карбон, 2-аминобензой ва 2-аминопиридин-3-карбон кислоталар қаторида лактамлар билан конденсация қийинлашиб бориши кўрадиб берилди.

Пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг кимёвий ўзгаришлари. Электронга танқис пиридин, π -электронларга бой тиофен ва бензол ҳалқали пиримидинлар ўзига хос қаторни ташкил этади, ушбу қаторда у ёки бу кимёвий хоссаларнинг ўзгаришини кузатиш мумкин.




Пиридо[2,3-d]пиримидин-4-онлар қаторида конденсация. **8-10** Бирикмаларнинг ароматик альдегидлар билан конденсацияси α -арилиден-2,3-три(тетра)метиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг юқори унумларда ҳосил бўлишига олиб келади.

2,3-Триметиленипиридо[2,3-d]пиримидин-4-оннинг ароматик альдегидлар билан ўзаро таъсири. **8** Бирикманинг ароматик альдегид билан конденсацияси реакцияни массани сирка кислота муҳитида реагентларнинг 1:1.2 нисбатида қайнатиб олиб борилди. Альдегидлар сифатида бензальдегид, п-диметиламино-, п-нитро-, м-нитро- ва п-гидроксibenзальдегидлар ишлатилди. Реакциялар қуйидаги схема бўйича α -CH₂ гуруҳ қатнашган конденсация маҳсулотлари ҳосил бўлиши билан боради:



Реакциянинг эҳтимолий механизми альдол-кродон конденсацияси бўлиб, кислотали муҳитда протонланган N1 атоми α -CH₂ гуруҳдан Н нинг ажралишига хизмат қилади ва конденсацияни осонлаштиради.



σ, π -Туташиш қанчалик кучли бўлса, α -CH₂ гуруҳи водород атомларининг реакция қобилияти шунчалик юқори бўлади. N1 атомнинг σ, π -туташишда қатнашиши натижасида CH₂ гуруҳидан узатиладиган электрон зичлик азот атомида тўпланади. β - ва γ -CH₂ гуруҳларда эса туташиш бўлмайди ва улар конденсацияда қатнашмайди.

3-жадвал

11-15 бирикмаларининг физик кимёвий характеристикалари

№	Брутто формуласи	Унуми, %	R _f (CHCl ₃ :CH ₃ OH)	Суюқ.Т., °С	LC-MS (+ESI):
11	C ₁₇ H ₁₃ N ₃ O	60	0.58 (12:1)	215-217	-
12	C ₁₉ H ₁₈ N ₄ O	85	0.54 (12:1)	268-269	319.2 [M+H] ⁺
13	C ₁₇ H ₁₂ N ₄ O ₃	94	0.47 (10:1)	294-295	321.2 [M+H] ⁺ , 284.3, 216.2, 113.2, 89.7, 46.3
14	C ₁₇ H ₁₂ N ₄ O ₃	75	0.82 (10:1)	322-323	321 [M+H] ⁺ , 290.1, 274.0, 261.8, 198.0
15	C ₁₇ H ₁₃ N ₃ O ₂	90	0.636 (10:1)	333-334	292 [M+H] ⁺ , 273.8, 250.1, 228.8, 209.0, 184.9, 172.1, 145.2, 121.1, 106.9, 79.1.

4-жадвал


11-15 бирикмаларининг спектрал характеристикалари

№	ИК (KBr, ν , см ⁻¹):	¹ H ЯМР (400МГц, CDCl ₃ , δ , м.у., J/Гц)	¹³ C ЯМР (100МГц, CDCl ₃ , δ , м.у.)
1	2	3	4
11	3496, 3072, 2958, 2901, 2829, 2667, 2555, 1677 (C=O), 1585, 1559, 1485, 1472, 1449, 1429, 1388, 1326, 1280, 1233, 1180, 1097, 1026, 934, 909, 785, 757, 705, 687, 549, 516, 422.	3.50 (2H, м, β -CH ₂), 4.25 (2H, т, J=7, γ -CH ₂), 7.31-7.34 (1H, кв, H-6), 8.54-8.56 (1H, дд, J=2, 7.9, H-5), 8.92-8.94 (1H, дд, J=2, 4.5, H-7).	-
12	3507, 3042, 2988, 2885, 2800, 1726 (N-C=O), 1669, 1573, 1555, 1523, 1423,	3.06 (6H, с, N(CH ₃) ₂), 3.10 (2H, тд, J ₁ =2.3, J ₂ =7.9, β -CH ₂), 4.14 (2H, т, J=7, γ -CH ₂), 7.34 (2H, д, J=8.7, H=2',6'), 7.50 (2H, д,	27.38 (β -C), 48.87 (γ -C), 50.06 (2C, N(CH ₃) ₂), 121.90 (α -C), 123.59 (2C, C-2', C-6'), 125.18 (C-10), 135.33 (C-6), 135.86 (2C,

	1361, 1189, 800, 677.	H=3',5'), 7.56-7.59 (1H, дд, J=6, 8, H-6), 7.79 (1H, т, J=2.7, =CH), 8.60 (1H, дд, J=1.4, 5.9, H-5), 8.99 (1H, дд, J=1.4, 7.9, H-7).	C-3', C-5'), 139.49 (C-5), 140.12 (C-2), 145.64 (C-7), 149.84 (C-1'), 150.50 (=CH), 156.66 (C-4'), 162.45 (C-9), 167.93 (C-4).
1	2	3	4
13	3430, 3120, 3061, 2980, 2924, 2852, 2012, 1672 (N-C=O), 1586, 1556, 1512, 1467, 1423, 1378, 1342, 1301, 1275, 1177, 1110, 909, 850, 805, 753, 723, 705, 679, 534, 502, 430.	3.15 (2H, т.д., J=6.5, 2.9, β -CH ₂), 4.16 (2H, т, J=6.5, γ -CH ₂), 7.44 (2H, д, J=9, H-2',6'), 7.60 (1H, дд, J=7.9, 5.9, H-6), 7.83 (1H, т, J=2.9, =CH), 7.98 (2H, д, J=8.8, H-3',5'), 8.63 (1H, дд, J=1.7, 5.9, H-5), 9.00 (1H, дд, J=1.7, 7.9, H-7).	27.26 (β -C), 48.59 (γ -C), 121.61 (C-10), 124.97 (α -C), 126.84 (2C, C-2', C-6'), 133.94 (2C, C-3', C-5'), 135.89 (C-1'), 139.42 (C-6), 143.23 (C-4'), 149.64 (C-5), 150.21 (C-7), 150.72 (=CH), 156.32 (C-2), 162.22 (C-4), 167.55 (C-9).
14	ИК: 3078, 3055, 3032, 1676 (N-C=O), 1601, 1585, 1557, 1543, 1524, 1470, 1431, 1423, 1383, 1366, 1346, 1327, 1306, 1298, 1275, 1256, 1221, 1204, 1175, 1130, 1101, 1092, 1015, 947, 928, 907, 812, 791, 758, 739, 725, 702, 671, 538, 480		
15	ИК: 2668, 2361, 1682 (N-C=O), 1645, 1558, 1531, 1514, 1470, 1443, 1406, 1377, 1329, 1278, 1247, 1227, 1204, 1175, 1146, 1136, 1111, 1101, 1055, 905, 824, 799, 783, 719, 679, 540, 529, 523, 519, 505, 500		

Конденсация маҳсулотларининг ¹H ЯМР спектрида α -CH₂ протонларига мос сигналлар кузатилмайди, **8** спектрида улар 3.20 м.у. соҳада триплет шаклида кузатилган. β -CH₂ гуруҳи протон сигналлари дастлабки моддага нисбатан (2.2-2.3 м.у.) кучсиз майдон томон кескин силжийди ва 3.1-3.5 м.у. соҳада кузатилади. γ -CH₂ гуруҳ протонларининг кимёвий силжиш қийматларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди. Пиридин ҳалқаси протонлари арилиден фрагменти томонидан кучли таъсирга учрамайди ва 7.31-9.00 м.у. оралиғида кузатилади.

Ароматик альдегидлар билан конденсация маҳсулотларининг тузилишини ишончли тасдиқлаш мақсадида **13** бирикманинг монокристаллари хона ҳароратида этанол-сув (2:1) эритмасини секин буғлатиш билан ўстирилди ва кристалларнинг характеристикалари РТТ ёрдамида тадқиқ этилди.




1-Расм. **13** Бирикманинг фазовий тузилиши, кристал ячеякадаги водород боғлар ва b ўқ бўйлаб кристаллар таҳланиши

Шундай қилиб, РТТ асосида (*E*)-9-(4-нитробензилиден)-8,9-дигидро-пиридо[2,3-d]пирроло[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он (**13**) тузилиши ишончли

тасдиқланди. **13** Бирикма кристалл структурасининг рентген дифракцияси маълумотлари CIF файллар шаклида Кристаллографик маълумотларнинг Марказий Кембриж базасига киритилди (CCDC 1456732).

2,3-Тетра(пента)метиленипиридо[2,3-*d*]пиримидин-4-оннинг (9) п-диметиламино-, п-нитро-, м-нитро- ва п-гидроксибензальдегид билан ўзаро таъсири α -CH₂ гуруҳ бўйича конденсация маҳсулотлари ҳосил бўлиши билан боради:



Дастлабки моддаларнинг ¹H ЯМР спектрларида 3.03–3.20 м.у. соҳада кузатиладиган α -CH₂ протон сигналлари конденсация маҳсулотларида кузатилмайди. Молекулаларнинг пиридин ҳалқаси протонлари арилиден фрагментининг кучли таъсирига учраб 7.22-9.00 м.у. оралиғида кузатилади.

α -C сигналлари ¹³C ЯМР спектрда дастлабки моддада 32.29 соҳада кузатилгани ҳолда, реакция маҳсулотларида кучсиз майдон томон силжиб, нитробензилиден ҳосилада 122.16 м.у. ва диметиламинобензилиден ҳосилада 123.63 м.у. соҳада кузатилади.

5-жадвал


16-19 Бирикмаларнинг спектрал характеристикалари

№	ИК (KBr, ν , см ⁻¹):	¹ H ЯМР (400МГц, CDCl ₃ , δ , м.у., J/Гц)	¹³ C ЯМР (100МГц, CDCl ₃ , δ , м.у.)
16	3435, 3064, 2925, 2891, 2852, 2812, 1673 (N-C=O), 1600, 1515, 1431, 1394, 1368, 1313, 1272, 1231, 1168, 948, 797, 732, 529, 450	1.96 (2H, кв, J=6.2, β -CH ₂), 2.92 (2H, т, J=6.1, γ -CH ₂), 2.95 (6H, с, N(CH ₃) ₂), 4.07 (2H, т, J=5.8, δ -CH ₂), 6.65 (1H, д, J=9.0, H-3',5'), 7.24 (1H, дд, J=7.9, 4.6, H-6), 7.42 (2H, д, J=8.9, H-2',6'), 8.41 (1H, кенг.с., =CH), 8.48 (1H, дд, J=2.1, 7.9, H-5), 8.87 (1H, дд, J=2.1, 4.6, H-7)	21.88 (γ -C), 26.46 (β -C), 40.28 (2C, NCH ₃), 42.51 (δ -C), 111.11 (C-6'), 111.79 (C-2'), 114.77 (C-10), 120.97 (C-6), 123.63 (α -C), 124.09 (C-4'), 132.62 (C-5'), 132.64 (C-3'), 136.65 (C-5), 139.09 (C-1'), 150.62 (=CH), 156.13 (C-7), 156.14 (C-2), 157.58 (C-4), 162.86 (C-9)
17	3436, 3081, 2926, 2852, 1673 (N-C=O), 1592, 1563, 1540, 1514, 1466, 1429, 1393, 1342, 1317, 1301, 1227, 1192, 1173, 1098, 924, 864, 845, 798, 753, 733, 714, 687, 557, 502	2.03 (2H, кв, J=4.1, β -CH ₂), 2.91 (2H, т, J=2.1, 7.9, γ -CH ₂), 4.12 (2H, т, J=5.9, δ -CH ₂), 7.35 (1H, дд, J=4.5, 7.9, H-6), 7.56 (2H, тд, J=8.9, H-2',6'), 8.21 (2H, тд, J=8.8, H-3',5'), 8.52 (1H, кенг.с., =CH), 8.53 (1H, дд, J=2.0, 7.9, H-5), 8.92 (1H, дд, J=2.0, 4.5, H-7)	эритувчи CF ₃ COOD: 21.68 (γ -C), 25.97 (β -C), 42.97 (δ -C), 115.50 (C-10), 122.16 (α -C), 123.88 (2C, C-2', C-6'), 130.78 (2C, C-3', C-5'), 132.46 (C-1'), 134.96 (C-6), 136.50 (C-4'), 142.50 (C-5), 147.29 (=CH), 153.93 (C-7), 156.65 (C-2), 157.17 (C-4), 162.62 (C-9)
18	ИК: 3433, 3076, 2929, 2857, 1676, 1622, 1591, 1564, 1528, 1477, 1431, 1391, 1350, 1296, 1226, 1191, 1167, 1097, 917, 839, 795, 739, 713, 664, 572, 434; УФ: 206, 269, 323		
19	ИК: 3504, 2924, 2854, 1675, 1596, 1573, 1535, 1512, 1433, 1393, 1284, 1250, 1232, 1170, 1107, 917, 839, 794, 697, 522, 430; УФ: 239, 360		

10 Бирикманинг альдегидлар билан конденсация маҳсулотларини олишга эришилмади. Бу ҳолатни α -С нинг молекула умумий текислигидан сезиларли четланиши ҳисобига N1-C2- α С тизимдаги σ, π -туташишнинг бузилиши билан тушунтириш мумкин. Чунки етти аъзоли азепан ҳалқаси эгилган қайиқ шаклига эга, бу эса туташ система ҳосил қилиш учун зарур бўлган орбитал симметриянинг бузилишига олиб келади. Шу билан бирга, полиметилен қисмининг электрондонорлик хоссалари ортиб бориши билан α -CH₂ гуруҳдаги водород атомларининг реакция қобилияти камаёди.

Демак, 2,3-полиметиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг (**8-10**) ароматик альдегидлар билан конденсацияси илк маротаба амалга оширилиб α -арилиден **11-19** ҳосилаларга олиб келди. Метилен гуруҳларининг сони ортиб бориши билан ушбу қатордаги ароматик альдегидлар билан конденсация қийинлашади. α -Метилен гуруҳнинг ароматик альдегидлар билан реакциялардаги реакция қобилияти тиено-, бенз- ва пиридо[2,3-d]-пиримидин-4-онлар қаторида ортиб боради.

2,3-Полиметиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг Вильсмейер-Хаак реагенти билан ўзаро таъсири. 2,3-Триметиленпиридо[2,3-d]-пиримидин-4-он (8)ни формуллаш. 8 Бирикманинг Вильсмейер-Хаак реагенти билан реакцияси (E)-9-(N,N-диметиламинометилен)-8,9-дигидропиридо[2,3-d]-пирроло[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он (**20**) ҳосил бўлишига олиб келади. Ушбу маҳсулот реакция аралашмани сув билан ишлаш ва сўнггра pH=9 бўлгунича сувли аммиак қўшиш натижасида ажратиб олинади.




6-жадвал


20 Бирикманинг физик-кимёвий ва спектрал характеристикалари

Брутто формуласи	Унуми, %	R _f (CHCl ₃ :CH ₃ OH, 10:1)	Суюқ.Т., °С	LC-MS (+ESI):
C ₁₃ H ₁₄ N ₄ O	71	0.67	206-208	243.0 [M+H] ⁺ , 227.0, 213.0, 200.0, 186.0, 171.9, 146.0, 120.9, 93.1, 68.2, 58.1, 42.0.
УБ	нейтрал муҳит (этанол): 286.3, 356.96; кислотали муҳит (HCl, ранг ўзгариши): 288.2, 369.33, 426.08; ишқорий муҳит (NaOH): 285.26, 356.59			
ИК (KBr, ν, см ⁻¹)	3577, 3383, 3238, 3072, 2903, 2812, 2228, 1651 (N-C=O), 1614, 1590, 1550, 1477, 1436, 1412, 1391, 1370, 1320, 1301, 1284, 1244, 1179, 1125, 1090, 1061, 1018, 912, 882, 835, 802, 755, 728, 714, 555, 457, 419			
¹ H ЯМР (400 МГц, CD ₃ OD, δ, м.у., J/Гц)	3.22 (2H, т, J=8.2, β-CH ₂), 4.08 (2H, т, J=8.0, γ-CH ₂), 7.65 (1H, кенг.с., =CH), 7.19 (1H, дд, J=4.7, 7.8, H-6), 8.39 (1H, дд, J=7.8, 2.0, H-5), 8.67 (1H, дд, J=4.7, 2.0, H-7).			

20 Тузилиши РТТ билан тадқиқ этилган. Унинг монокристаллари ацетонли эритмани хона ҳароратида оҳиста буғлатиб ўстирилди. РТТ натижалари Кембриж базасида CCDC 1476418 рақам билан қайд этилди.



2-Расм. **20** Моногидратининг фазовий тузилиши, кристалл ячеядаги водород боғлар
2,3-Тетраметиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-онни формулаи (9). **9**
 Бирикманинг Вильсмейер-Хаак реагенти билан ўзаро таъсиридан ҳам α-
 диметиламинометиленден ҳосила (**21**) ҳосил бўлади.




7-жадвал

21 Бирикманинг физик-кимёвий ва спектрал характеристикалари

Брутто формуласи	Унум, %	R _f (CHCl ₃ :CH ₃ OH, 11:1)	Суюқ. Т., °C	LC-MS (+ESI):
C ₁₄ H ₁₆ N ₄ O	75	0.61	214-215	257 [M+H] ⁺ , 226.7, 214.0, 197.9, 172.1
УБ	нейтрал муҳит (этанол): 279.73, 334.22, 361.77; кислотали муҳит (HCl): 286.36, 332.65, 363.09; нейтралланиш (HCl+NaOH): 286.40, 363.02			
ИК (KBr, ν, см ⁻¹)	3432, 3069, 3019, 2938, 2896, 2849, 1696 (N-C=O), 1628, 1600, 1560, 1504, 1453, 1438, 1399, 1366, 1293, 1267, 1165, 1136, 1104, 1060, 1047, 1000, 940, 873, 844, 822, 808, 776, 724, 621, 539, 462, 436			
¹ H ЯМР (400 МГц, CD ₃ OD, δ, м.у., J/Гц)	1.99 (2H, м, γ-CH ₂), 2.58 (2H, т, J=5.9, β-CH ₂), 3.97 (2H, т, J=5.9, δ-CH ₂), 7.29 (1H, дд, J=4.9, 7.8, H-6), 8.40 (1H, дд, J=7.8, 1.8, H-5), 8.60 (1H, дд, J=4.7, 1.7, H-7), 8.90 (1H, кенг.с., =CH)			

2,3-Три(тетра)метиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-онларнинг α-
 диметил-аминометилен ҳосилаларининг (**20**, **21**) гидролизи (10%-ли HCl
 эритмаси таъсирида) натижасида α-формил-2,3-
 три(тетра)метиленпиридо[2,3-d]-пиримидин-4-онлар (**22**, **23**) ҳосил бўлади:




22 Бирикманинг ҳосил бўлганлигига суюқлик хроматографияси /масс
 спектрометриясида (LC-MS, MS/MS) молекуляр ион [M+H]⁺ 216 ва [M-H]⁻
 214 чўққиларининг ва уларга мос фрагмент ионларнинг борлиги далолат
 қилади.

2,3-Пентаметиленпиридо[2,3-d]пиримидин-4-оннинг Вильсмейер-Хаак
 реагенти билан ўзаро таъсири. (E)-11-(Аминометиленден)-10,11-
 дигидропиридо[2,3-d]азепано[1,2-a]пиримидин-5(7H)-оннинг аномал ҳосил
 бўлиши ва унинг кристалл тузилиши. (E)-11-(Аминометиленден)-10,11-
 дигидропиридо[2,3-d]азепано[1,2-a]пиримидин-5(7H)-он (**25**)нинг ҳосил

бўлганлиги **10** бирикманинг Вильсмейер-Хаак реагенти билан таъсири, реакция аралашмани сув ва аммиакли сув билан ишлаш натижасида кузатилди. Ушбу тузилиш РТТ ва LC-MS маълумотлари билан тасдиқланди.

Реакция қуйидаги схемага мувофиқ содир бўлади:



8-жадвал


25 Бирикманинг физик-кимёвий ва спектрал характеристикалари

Брутто формуласи	Унуми, %	R _f (CHCl ₃ :CH ₃ OH, 10:1)	Суюқ.Т., °C	LC-MS (+ESI):
C ₁₄ H ₁₆ N ₄ O	60	0.545	185-187	243.0 [M+H] ⁺ , 216.1, 201.1, 174, 160.9, 148.0, 121.0, 93.0, 79.0, 55.1, 39.1
УБ	нейтрал муҳит (этанол, λ _{max} , нм): 279.58, 348.97; кислотали муҳит (HCl): 280.24, 362.37, 420.80; нейтраланиш (HCl+NaOH): 279.12, 318.11, 362.29; ишқорий муҳит (NaOH): 275.83, 347.71			
ИК (KBr, ν, см ⁻¹)	3382 (NH ₂), 3325, 3203, 3064, 2924, 2869, 2824, 1642 (N-C=O), 1613 (NH), 1591, 1562, 1523, 1470, 1433, 1389, 1353, 1319, 1267, 1249, 1227, 1184, 1126, 1107, 1077, 1045, 976, 934, 864, 825, 783, 735, 688, 663, 601, 548, 420			
¹ H ЯМР (400 МГц, CD ₃ OD, δ, м.у., J/Гц)	1.77 (2H, м, γ-CH ₂), 1.92 (2H, м, δ-CH ₂), 2.39 (2H, м, β-CH ₂), 4.20 (2H, т, J=6.1, ε-CH ₂), 7.45 (1H, кенг.с., =CH), 7.28 (1H, дд, J=4.6, 7.9, H-6), 8.45 (1H, дд, J=7.9, 2.1, H-5), 8.74 (1H, дд, J=4.6, 2.1, H-7)			

